

Тариф (КҚС ва Махсус устама ҳақ билан)

Сув 1 м³ 725925
сумОқова 1 м³ _____
сум01-01/19 -сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 01 » 01 2022 й

Ушбу шартнома Сув таъминоти корхонаси, кейинги уринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фойдали юритувчи «Қарақалпақ суу таъминоти» ЖШЖ Тумбақ шаҳар, тумани сув тормақлари филиали Тумбақ шаҳариди.

(ф.и.ш.и.)

ва кейинги уринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи _____ шаҳар, тумани _____ МФЙ.

ОФЙ пунктида Шаймай Мурашвет уюси асосида иш олиб боровчи директорБ. Явобегмуратов
(бюджет ташкилог номи)

(Ф.И.Ш.)

лаво яими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

1. Шартнома предмети1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет танқилотлари (будан бўён матида **II гуруҳ истеъмолчилари** деб юритилади) учун сув етказиш _____ нарх бўйичам³ ни:1 м³ ичимлик сув учун _____ сум (+КҚС 15%), + _____ сум (махсус устама ҳақини ташкил қилмоқда)1 м³ оқова сув учун _____ сум (+КҚС 15%) - _____ сум (махсус устама ҳақ)

Шу тариха шартноманинг умумий қиймати _____ сумни ташкил қилди.

(_____ сум

ма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет

маблағларидан _____ сум,

бюджетдан танқари маблағларидан _____ сум

туланиши кузда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисоббарак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазратчилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSI 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-гигиенаология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) ҳужжат-маъмурий ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» урнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун туловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариши, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматларини кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матида - Қоидалар деб юритилади), ҳамда _____ ҳокимининг _____ йил _____ № _____ -сонли қарорига, мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун _____ сум, 1 м³ оқова сув хизмати учун _____ сум махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимига улашни учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларинини (фиизил ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувга эҳтиёжи ва сув тизимига улашишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нуҳасини тақдим қилади. "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиб-оқова ҳўжаллигидан, банк маълумотлари ва юридик манъилидаги ўзгартиришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан урнатилган вақтдан танқари танқари экинларни суғориш, ҳовлилар, йўлакчаларни ва сув сепиш, ҳамда ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг ҳужалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнзинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун муължалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморкларидан сув олиб, оқова сувларини “Истеъмолчининг”канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истеъмолчи” билан тасдиқланган “Қоидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва гамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал ҳужалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускуласининг ечилиш, киёслашдан ўтказиши ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолга текширилади ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатиш минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун қўрсатма беради, ушбу қўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг қўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатиш тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация ҳужалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг улашиши Истеъмолчи томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчининг” суровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан улашиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва суви чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулияни чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал ҳужаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) суви истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички суви узатиш тизимининг бир қисmidир.

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимга улашиш нуқтасидаги суви чиқариш қудуғи бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисmidир. Агар чиқариш оқова қудуғи магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, қўрсатилган қудуқ сув-коммунал ҳужалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик суви ва оқова сувини чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик суви берилишини талаб қилиш.

б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик суви ва оқова суви тармоқларига хизмат қўрсатиш таъабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида қўрсатишган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”нинг шартномани бекор қилиш туғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантириш ҳолда ва ушбу муддатда суви таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича қўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шаҳсан ёки ўз вакили орқали) бецул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бецул олиш;

ё) ичимлик суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича хизматлар қўрсатилмаслигининг ёки уларнинг паст сифатда эканлиги туғрисидаги даъволатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари туғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария-эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик суви мавжудлиги) аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал суви ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қурилганини, уларга суви топиши ёки ликасланишига, музлаб қолишига йўл қўймайлик, қудуқ

конкоктларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, қўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг қўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқи (кўча ва квартал ичидаги) сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;

д) суви ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги хабар аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;

е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида қўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу қўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охиригача кундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг метёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик маълумотдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш.

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлослаштирилган концентратиясини метёрдаги қўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига беғона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳудда сарф қилинган сув нарҳини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи" қўйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;

б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларнинг техник ҳолати кониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига қўра бартараф этамаса;

в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳадиқ берилган тақдирда;

г) "Таъминотчи" томонидан режа илдани олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) "Истеъмолчи"нинг хизмат қўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча

суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) "Таъминотчи"нинг розилиши билан суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини қўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоғи тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ённи чиққан ерларга сув етказиш хажмини ошириш зарурияти туилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам қўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, суви етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаотта мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тегишлилирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувири хўжалигининг текширишини (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текшириш, улардаги назорат қўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларини тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня туловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи" ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказими ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи туловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган туловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятлари бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларида келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақикий зарарнинг урнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланиш чизиғи жумраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларида ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги қўрсаткичлари ташқаридан аралашган ҳолда узғартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қойдабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи" ларга сув таъминотига улашиб ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятлари бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва туловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш-қурилмасининг қўрсаткичларида мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорида тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорида 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг қўрсаткичлари) қўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, "Таъминотчи" билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча руҳсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқитиш учун туловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг қўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қаровли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси узгарганда, "Истеъмолчи" бутун дебиторлик қарздорлигини сунгдириши ва "Таъминотчи" билан чиқиб кетишдан қамийда 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур, "Истеъмолчи" чиқиб кетганидан сунг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юқлатилади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова ҳужайидаги бәрча узғаришлар таъминотчи томондан "Истеъмолчи"нинг ҳаёти келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар қуйлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфия орқали сув сарфи коэффициентини,

F – суюқлик оқиб утадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

Н – сувнинг метрлардаги босими;
t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув улчаш асбоби на мосламалари йук булган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув улчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да руйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда.автоматшисалар ювилганда;

6.3.4 Сув улчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг

6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган даволатнома муддатидан янги сув улчаш асбоби ўрнатилиб, (руйхатдан ўтказилган) қулача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисит носоз булган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гuruh истеъмолчилари учун Қонднинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими, коммуниқацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув улчаш бўғинини диаметри кичикроқ булган мосламага олиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув улчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қуйилган химия қондимиға рухсатсиз қилиш натижасида, ичимлик суви соф сарфини аниқ таи имқонияти чеғариланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова суви коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан саклиниш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан даволатнома тузилди ва шу тузилган даволатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган шартин ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тулов муддати, энг сўнгги тузилган даволатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сува улчаш асбоби ўрнатилиб, руйхатдан ўтказилган қулача, ёки ўзбошимчалик билан уланиб узиб ташланган қулача қадар ҳисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган сандан бу ҳақда маълум булган санагача, агар "Таъминотчи" баляясдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси этилган муддатдан ошмаслиги зарар. Агар ўзбошимчалик билан уланиган санани топши, аниқлиш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тен деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддат берилади. Белгиланган муддат тугагач буюрмачи (объектни лойиҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини қўзғитишни ёки янги техник шартларни олишни тарар.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳақда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова суви чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва қадастр ҳужжатлари ва шу қабиллар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилини ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул қилинган оқова суви учун туловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тулов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу туловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечатирилган туловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий туловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, туловлар банк бўлиmlарининг қирим қассаси орқали, ҳисоб-китоб давридан 10 кун муддат ичида туланади.

6.9. «Таъминотчи» туловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой туловининг 100 % миқдорида олдиндаги туловлар (преоплата)ни белгилайди ва бу тулов кейинги ой ҳисобини ўушिलाди. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида туловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳақ қандай оқоқлантирилсарсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмағунга қалдар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан саклиниш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" ниммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан ялтари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ун) баробари миқдорда тулов қилиш улашнинг амалга оширган ташкилот ҳисобига маблаларини ўтказиш орқали ундирилади;

Қанализация тизимиға рухсат этилган ёмғир ва эркин қор сувлари оксизилетган ишлаб чиқарини оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби. Натирлар Маҳжамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда ифлосланттирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳирлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал қанализация тармоқларига нормативдан ортқича оксизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробир ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га этиладиган эътирознома тулов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тулов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан овоз қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасида келиб чиққан низолар, келишув йули билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шахар ва туманларaro иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа снгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) нагижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мудлати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни курсатган ҳолда сзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шарҳларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тускинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш мудлати

9.1. Ушбу шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2. Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг декабригача амал қилади.

31

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Қарақалпоқ суу таъминоти» ЖШЖ

ҚАРАҚАЛПОҚ ШАХАР, ГУМАНИ СУВ ГАРМОКЛАРИ

Манзил:

«QORAQALPOQ SUV TA'MINOTI» MCHJ
CHIMBOY TUMANI FILIALI
Юридик шахарлар к/р: 2263 8000 3005 0371 7490
АТИБ «ИПОТЕКА БАНК» Нукус шахри
М/р: 0000000000, ИНН: 2009-57143
М/р: 000000, Тел: (8 361) 444-01-87
E-mail: chimbayved@inbox.uz

ОКЭД

E-mail:

Рахбар

Лаполави

ИМКО

Ф.И.О.

М.С.

Юридик ҳулса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва «Хўжалик юридик субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси ва тирсида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Хуқуқшунос

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Шимбой Муридот уйи

Чорбаб Татали

Манзил: Шахар, гумани

аҳолиси кучаси уй хонадан

Тел: 55-40-16-28 факс

га/х-р 23402000700100001010

Банк Центр Банк Ташкент

Банк коди 0001/ СТИР 20112319

ХХТУТ 88600

Шахсий рақом 400171860357407609

Шахсий х-р 204056001

Банк

1000218603574076091204744001

Банк коди 0001/ СТИР 20112319

Рахбар

М.С.

«01» 01 2022 й.

Юридик ҳулса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва «Хўжалик юридик субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси ва тирсида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Хуқуқшунос